

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.1.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ТЎРАЕВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТДА СОЛИҚ ЮКИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

УЎК: 336.225.613

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Sciences
(DSc) in Economic Sciences**

Тўраев Шавкат Шухратович

Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари.....5

Тураев Шавкат Шухратович

Направления оптимизации налоговой нагрузки в экономике29

Turaev Shavkat Shukhratovich

Directions for optimizing the tax burden in the economy.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.1.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ТЎРАЕВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТДА СОЛИҚ ЮКИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Iqt101-сон билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Иминов Одилжон Каримович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хайдаров Низомиддин Ҳамроевич**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Олимжонов Одил Олимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Жўраев Абдуғаффор Сафарович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «3» НОЯБРЬ куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «20» ОКтябрь куни тарқатилди.

(2021 йил «20» ОКтябрь даги 12 рақамли реестр баённомаси).


Ш.А. Тошматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Д.Х. Суёнов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент


Д.Н. Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва ностандарт иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш бўйича чалкашликларнинг олдини олиш, ҳисоб ва ҳисоботларни рақамлаштириш шароитида иқтисодиётда солиқ юкини пасайтириш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш борасида қатор чоратадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, сўнгги ўн йилликда дунёнинг саноати ривожланган 37 та мамлакатида, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) давлатларида «иқтисодиётда умумий солиқ юки ўртача 0,1 фоиз пасайиб, 33,8 фоизни ташкил этган»¹.

Жаҳонда солиқ юкини оптималлаштиришда мол-мулкнинг аниқланган кадастр қийматидан кам бўлмаган миқдорда солиққа тортиш, солиқ тўловчилар томонидан топшириладиган ҳисоботларга «қўшилган қиймат» кўрсаткичини қўшиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада айниқса глобаллашув шароитида иқтисодиётда солиқ юкини аниқлаш ва уни оптималлаштириш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда солиқ турлари ва ставкаларини унификация қилиш орқали солиқ юкини оптималлаштириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, юридик шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичи улар томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва тўловларни қўшилган қийматга нисбати орқали аниқлаш, микродаражада солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида корхоналарда солиқ юки кўрсаткичини соф ва умумий солиқ юки тарзида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда «... солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш»² ҳамда «иқтисодиётда солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш»³ каби устувор вазифалар белгилаб олинган. Замонавий шароитда солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптималлаштириш ҳамда пасайтиришга оид илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилаётганига қарамай соҳада мавжуд бўлган муаммолар ҳали ҳануз ўз ечимини тўлиқ топмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон

¹ <https://www.factograph.info/a/31048275.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz

«Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида», 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ҳамда соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Иқтисодийда солиқ юқини оптималлаштиришга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилмоқда, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organization for Economic Cooperation and Development (OECD)), Жаҳон банки (World bank), Ҳалқаро валюта фонди (International Monetary Fund (IMF)), Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти (Economic and Social Research Institute (ESRI)), Centre for European Economic Research (ZEW), Institute of Labor Economics (IZA), General taxation and customs union (European Commission, EC), European Environment Agency (EEA), Centre for Economic and Business Research (CEBR), The European Tax

⁴ IMF Fiscal Monitor: Tackling Inequality, October 2017 /www.imf.org: Tax Certainty. IMF/OECD Report for the G20 Finance Ministers /www.oecd.org/tax-policy/; General Tax Principle / European Commission Directorate-General Taxation and Customs Union. Working Document, 23 November 2014; Modelling the Impact of Direct and Indirect Taxes Using Complementary Datasets/ Economic and Social Research Institute, 2015; Guiding Principles of Good Tax Policy: A Framework for Evaluation of Tax Proposals / AICPA, Tax Policy Concept Statement, January 2017; Ten Principles of Sound Tax Policy / Center for Federal Tax Policy. www.taxfoundation.org; Small Business Taxation: Revamping Incentives to Encourage Growth / The School of Public Policy. SPP Research Papers. University of Calgary, Volume 4 Issue 7 May 2011; Principles and standards of transnational taxation/ Tilburg University, 2012; Growth in the Shadows: Effect of the Shadow Economy on U.S. Economic Growth over More Than a Century / IZA Institute of Labor Economics. Discussion Paper Series, April 2017; Tax Principles From Adam Smith to Barack Obama / ACCA (the Association of Chartered Certified Accountants); Simplify, Simplify, Simplify: The First Principle of Tax Reform / The Progressive Policy Institute (PPI); Principles of taxation / Centre for Social Concern in Eastern Africa; Principles of tax policy / Treasury Committee, UK. Eighth report of Session 2010-11 Volume I; Corporate Taxation and Public Finance, / Centre for European Economic Research (ZEW) / www.zew.de/en/; Shadow Economies All over the World. Policy Research Working Paper 5356 / The World Bank Development Research Group Poverty and Inequality Team & Europe and Central Asia region Human Development Economics Unit, July 2010; Tax Policy in The EU. European Parliamentary Research Service. Members' Research Service, February 2015 / www.europarl.europa.eu; Environmental Taxes: Resent Developments in Tools for Integration / European Environment Agency EEA, Copenhagen, 2000; Environmental Tax Challenges in the 21st Century; Urban Concentration and Increasing Transport / the 19th Global Conference on Environmental Taxation/ <http://gcet19.uspceu.es/>

Policy Forum (ETPF), Global Conference on Environmental Taxation (GCET), Asian Development Bank (ADB), American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), The Association of Chartered Certified Accountants (ACCA), International auditors firms (KPMG), The Progressive Policy Institute (PPI), Institute Économique Molinari (IEM, Франция), French Economic Observatory (OFCE, Франция), University of Calgary (Канада), Tilburg University (Нидерландия), Fiscal Commission Working Group (Шотландия).

Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: мукамал солиқ тизимини шакллантириш принциплари сифатида солиққа тортишдаги тенглик ва адолат, аниқлик, соддалик, қулайлик, бетарафлик, иқтисодий ўсиш ва самарадорлик, шаффофлик, бюджетга етарлилик каби принциплар замонавий талқинда асослаб берилган (ЕС, АИСРА, АССА, РПИ); меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ солиқ юки ва корпорациялар даромадларига тушадиган солиқ юкини адолатли тақсимлаш йўллари кўрсатилган (IEM, Франция, ETPF, ZEW, Европа Иттифоқи); солиққа тортишнинг яширин иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган механизмларини такомиллаштириш юзасидан корпоратив солиқ ставкаларини пасайтириш ва даромад солиғи ставкаларини табақалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (World bank).

Жаҳонда иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда олиб борилмоқда: иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш шароитида солиқ турлари ва ставкаларини эътиборга олган ҳолда унификация қилиш; давлат сиёсатидаги устувор иқтисодий соҳалардан келиб чиқиб самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш; юридик шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичи улар томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва тўловларни қўшилган қийматга нисбати орқали аниқлаш; ҳудудларда ундирилаётган солиқлар ва тўловлар суммасини ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисоблаш; корхоналарда солиқ юки кўрсаткичини соф ва умумий солиқ юки тарзида ҳисоблаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиққа тортишнинг назарий асослари иқтисодчи олимлардан А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо, А.Аткинсон, Дж.Стиглиц, Й.Ланг, Г.Менкью, А.Лаффер, М.Фридман, Ж.Кейнсларнинг илмий асарларида ўрганилган⁵.

Иқтисодиётда солиқ юки ва уни оптималлаштиришга оид илмий изланишлар И.Александров, Е.Балацкий, С.Барулин, Е.Егорова, Ж.Фрибејрн,

⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М., 2009.; У.Петти. Трактат о налогах и сборах. <http://ek-lit.narod.ru/pett005.htm>; D.Ricardo (1817). On the Principles of Political Economy and Taxation. Cambridge: Cambridge University Press; Atkinson A.B., Stiglitz J.E. The design of tax structure: Direct versus indirect taxation / Journal of Public Economics 6 (1967) 55-75; Ланг Й. Проект кодекса налоговых законов государств Центральной и Восточной Европы. Бонн, 1993; Mankiw N.G. Principles of Economics. Southwestern Cengage Learning, 3rd edition, 2004. 810-р.; Laffer A. The Laffer Curve: Past, Present, and Future. The Heritage Foundation, 1 June, No.1765. 2004; Фридман, М. (1973). «Деньги и экономическое развитие»; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: «Гелиос АРВ», 2002. – 352 с.;

И.Майбуров, Н.Миляков, Б.Неррэ, Д.Стойлова, В.Титов, Д.Черник, Т.Юткина каби олимлар томонидан олиб борилган⁶.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан: О.Абдурахмонов, М.Алмардонов, Н.Ашурова, С.Воронин, Э.Гадоев, О.Гайбуллаев, А.Жўраев, О.Иминов, А.Исламкулов, Т.Маликов, И.Ниязметов, О.Олимжонов, Б.Санақулова, Б.Ташмурадова, Ш.Тошматов, Н.Хайдаров, Қ.Яхёевларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган⁷.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан замонавий шароитда иқтисодиётда солиқ юқини оптималлаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

⁶ Freebairn J. (2017) Comparison of a lower corporate income tax rate for small and large businesses. eJournal of Tax Research, Vol. 15, no/1, pp.4-21; Stoilova D. Tax structure and economic growth: Evidence from the European Union / Contaduría y Administración 62 (2017) 1041-1057; Nerré V. Tax Culture: A Basic Concept for Tax Politics / Economic analysis & Policy, vol/ 38 no. 1, march 2008. 153-167; Александров И. Налоги и налогообложение: Учебник. 6-е изд. – М.: Дашков и К, 2006. – 318 с.; Налоговые реформы. Теория и практика: монография / под ред. И.А.Найбурова, Ю.Б.Иванова. – М.Ж ЮНИТИ-ДАНА, 2010; Миляков Н.В. Налоги и налогообложения: Учебник. 5-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2006, - 509 с.; Налоги: Учеб. Пособие / Под ред. Д.Г.Черника. 2-е изд. – М.: Финансы и статистика, 1996,0-0688 с.; Барулин С.В. Бекетова О.Н. Лафферовы эффекты в экономике современной России // Финансы. – М., 2003. №4, - С, 42-46.; Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2002. - 576 с.

⁷ Абдурахманов О.К. «Налоговые системы стран с переходной экономикой». Монография. М.: Палеотип, 2006. – 375 с.; Альмардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. Монография. – Т.: ТМИ. 2003. – 233 б.; Ашурова Н. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати – Тошкент, 2018. – 72 б.; Воронин С. Оптимизация налоговой нагрузки – фактор повышения устойчивости реального сектора экономики // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2015. – Б.93-94; Гадоев Э.Ф. Солиққа тортиш тартиб-таомилларини содаллаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили // «ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ» журнали, 2015, 1-сон. – Б.30-34; Гайбуллаев О.З. Солиқ юқини баҳолашни такомиллаштириш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати – Т.: ДЖҚА, 2004. – 28 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.; Исламкулов А.Х. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш: Монография. – Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2017. – 160 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Ниязметов И. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2018. – 270 б.; Олимжонов О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи // Солиқ тўловчининг журнали. – Т.: 2006. №6. – Б.38; Санақулова Б. Кичик тадбиркорлик субъектларининг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2015. – 296 б.; Ташмурадова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати – Т., БМА, 2007. – 42 б.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Т: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.; Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. – Тошкент: «Академия», 2005. – 128 б.; Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: «Фафур Фулом», 2000. – 168 б.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқ юкини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда уни оптималлаштириш йўналишларини назарий ва услубий асосларини баҳолашга хизмат қилувчи хулосаларни шакллантириш;

макродаражада ва ҳудудлар миқёсида солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

юримдик ва жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юкининг амалдаги ҳолати таҳлили ва солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш;

соддалаштирилган солиқ тўловчи корхоналарда солиқ юкининг амалдаги ҳолати таҳлилин аналга ошириш;

солиқ юкини оптималлаштиришнинг макроиқтисодий ва микроиқтисодий жиҳатларини баҳолашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштиришни башоратлаш ва эконоиметрик таҳлилин аналга ошириш масалаларини илмий тадқиқ этиш;

солиқ тўловчиларнинг солиқ муносабатларини такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги юримдик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предметини юримдик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув, кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг алоҳида турлари бўйича акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш орқали солиқ юкини оптималлаштириш асосланган;

юримдик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларда ижтимоий солиқ ставкаларини оиланинг бошқа аъзолари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи қилиб белгилаш зарурлиги асослаб берилган;

электротехника саноатини ривожлантириш учун олиб кириладиган товарлар, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш учун олиб кириладиган хом ашё ва ускуналар, асаларичиликни ривожлантириш учун, чарм-пойабзал саноати ишлаб чиқарувчилари учун олиб кириладиган айрим товарлар бўйича имтиёзларни бекор қилиш зарурлиги исботланган;

юримдик шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичи улар томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва тўловларни қўшилган қийматга нисбати орқали аниқлаш услубиёти тақлиф этилган;

солиқ юкини иқтисодиёт даражалари кесимида, хусусан ҳудудларда ундирилаётган солиқлар ва тўловлар суммасини ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисоблаш услублари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

алкоголь маҳсулотлари улгуржи ва чакана савдоси билан тадбиркорлик субъектларини ҳамда бозорлар ва савдо комплексларини савдо айланмаси (ялпи тушуми) ҳажмидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган корхоналар тоифасига киритиш асосланган;

курилиш материалларига кирувчи фойдали қазилмаларни алоҳида турлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумларини ўша фойдали қазилма олинадиган ҳудудга қолдирган ҳолда улар бўйича солиқ ставкаларини унификация қилиш асосланган;

микродаражада солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида корхоналарда солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашда соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблашнинг такомиллашган услубиёти таклиф этилган;

юрidik шахсларга тегишли мол-мулкнинг аниқланган кадастр қийматидан кам бўлмаган миқдорда солиққа тортиш орқали солиқ юкини оптималлаштириш асосланган;

солиқ тўловчилар томонидан топшириладиган статистик ҳисоботларга “қўшилган қиймат” кўрсаткичини қўшиш орқали солиқ юкини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, чиқарилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган методологик таклиф ва тавсиялар иқтисодиётда солиқ юкини қисқартиришда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар асосида солиқ тизими барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган кейинги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан солиққа тортишни такомиллаштириш, иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштиришга доир дастурлар ва истикболдаги режаларни ишлаб чиқишда ҳамда иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш» ва «Солиқ сиёсати» каби фанларнинг ўқув дастурлари ва қўлланмаларини давр талабига мос тарзда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг алоҳида турлари бўйича акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги 06/04-01-32/846-сон маълумотномаси). Натижада, 10 та позициядаги товарлар (бензин, дизель ёқилғиси, мотор мойи ва б.) бўйича акциз солиғи ставкалари бирхиллаштирилган ва жорий йилнинг январь-май ойларида мазкур товарлар импорти ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8% га ўсишига эришилган;

юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи субъектларда ижтимоий солиқ ставкаларини оиланинг бошқа аъзолари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгилаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сонли Қонуни билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги 06/04-01-32/846-сон маълумотномаси). Натижада, жорий йилнинг январь-май ойларида 8,9 мингта оилавий тадбиркорлик субъектларидаги 11,2 минг нафар аъзолари томонидан қарийб 15 млрд.сўм ижтимоий солиқ тушишига эришилган;

электротехника саноатини ривожлантириш учун олиб кириладиган товарлар, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш учун олиб кириладиган ускуналар ва хом ашё, асаларичиликни ривожлантириш учун, чарм-пойабзал саноати ишлаб чиқарувчилари учун олиб кириладиган айрим товарлар бўйича имтиёزلарни бекор қилиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги 06/04-01-32/846-сон маълумотномаси). Натижада, 2021 йилнинг январь-май ойларида давлат бюджетига 503,8 млрд.сўм қўшимча маблағ тушган;

юридик шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашда юридик шахслар томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва тўловларнинг юридик шахс томонидан яратилган қўшилган қийматига нисбати орқали аниқлаш услуги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 12 майдаги 18/1-31851-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, юридик шахслар зиммасидаги солиқ юкининг реал даражаси аниқланади ва келгусида уларни солиққа тортиш тизими такомиллаштирилади;

солиқ юкини ҳудудларда ундириладиган солиқлар ва тўловлар суммасини ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисоблаш услуги статистика органлари фаолиятида қўлланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 15 июндаги 01/1-03-21-44-сон

маълумотномаси). Бунинг натижасида, ялпи худудий маҳсулотга нисбатан худуд солиқ юкини ҳисоблаш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика миқёсида ўтказилган - жами 21 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, жумладан: 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 10 та, хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 218 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Иқтисодиётда солиқ юкининг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобида солиқ юкини ўрганишга оид илмий қарашларнинг ривожланиш тенденциялари, солиқ юкига таъсир кўрсатувчи омиллар ва солиқ юкини оптималлаштиришнинг долзарб муаммолари, солиқ юкининг солиқ тўловчилар фаолиятига таъсирининг назарий асослари, солиқ юкининг макроиқтисодий барқарорликка ва инвестиция муҳитига таъсири каби масалалар ёритилган.

Солиқ ва солиққа тортиш муносабатларининг натижавий кўрсаткичи ҳисобланган солиқ юки моҳият жиҳатидан энг аввало, аҳоли ва хусусий сектордаги молиявий ресурсларнинг маълум қисмини давлат фойдасига ундириб олиниши билан тавсифланади. Шу боис, солиқ юкининг миқдор кўрсаткичлари ёрдамида ифодалашга оид илмий мунозаралар доим долзарб бўлиб келган.

Солиқ муносабатларининг фискал ҳамда тартибга солувчи функциялари солиқ юкини аниқлаш ва уни оптималлаштиришда муҳим ҳисобланади. Солиқ юкининг фискал жиҳати хусусий секторнинг молиявий ресурсларини жамият манфаатлари йўлида марказлаштиришга хизмат қилиши, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи жиҳати солиқ механизми орқали ишлаб чиқариш жараёнларига билвосита таъсир кўрсата олишида намоён бўлади. Солиқ юки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий соҳадаги эркинлигини қисман

чегаралаб турадиган омил, давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматларнинг ўзига хос «баҳоси» сифатида эътироф этиш мумкин.

Солиқ юкининг миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш муаммоси давлат томонидан ундирилган солиқлар ва йиғимлар билан ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми ўртасида иқтисодий жиҳатдан асослаб бериладиган улуши (нисбати)ни топиш билан узвий боғлиқ. Оптимал солиқ юки ҳажмини ҳисоблаб чиқишда мазкур муаммонинг ечими сифатида таклиф этилаётган услубий ёндашувлар жуда кўп ва хилма хил, олинган илмий натижалар моҳияти жиҳатидан бир-бирига зид келади. Шу билан бир вақтда илмий ёндашувлар ва таҳлил услубларининг турличалиги солиқ юки муаммосини макроиқтисодий даражада илмий таҳлил қилиш учун жуда кенг имкониятларни очиб бермоқда.

Давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи оқилона солиқ тизими солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, хўжалик юритишнинг самарали йўллари топишга ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли солиқ тўловчининг солиқ юки кўрсаткичи мамлакат солиқ тизимининг сифатини баҳолаш учун етарли бўлади.

Муаллиф фикрича, иқтисодиётда солиқ юки кўрсаткичининг зарурияти мазкур кўрсаткични ҳисоблаш ва аниқлаш давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилишида намоён бўлади. Мамлакатда солиқ юки солиққа тортиш базаси ва иқтисодиётга солиқларнинг таъсири баҳоланишида фойдаланилади.

Дунё амалиётининг таҳлиliga мувофиқ, солиқ юки мамлакат ҳудудларида ишлаб чиқаришни жойлаштириш, инвестицияларни тақсимлаш ҳамда капитал ҳаракатини йўлга қўйишнинг муҳим омилли ҳисобланади. Ўзбекистонда ўрта муддатли ривожланиш стратегияси шароитида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳудудлар ихтисослашуви, ҳудудларнинг драйвер соҳаларини аниқлаган ҳолда ўсиш нуқталарини белгилаб олиб, ривожланиш йўналишлари юзасидан йўл хариталарини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада солиқ юкини иқтисодиёт даражалари кесимида, хусусан ҳудудларда ундириладиган солиқлар ва тўловлар суммасини ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисоблашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ юки кўрсаткичи давлатнинг ижтимоий сиёсатига таъсир кўрсатади. Давлат ушбу кўрсаткич натижаларига асосланиб, ўзининг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқади. Мудофаа, қўриқлаш хизматлари, маориф, тиббиёт, фан ва таълим харажатлари режалаштиради. Яъни, давлат аҳолига турли хил хизматлар кўрсатади. Шунинг ҳисобига солиқ тўловчи, аҳоли ва юридик шахслардан солиқ ундиради. Бу ердаги муаммоли масаланинг моҳияти шундаки, солиқ миқдорини оптимал даражасини белгилаш, чунки, солиқ тўловчи давлатга тўлаган солиқлари миқдорида ижтимоий хизматлар олишни хоҳлайди. Шундан келиб чиқиб, давлат солиқ юкини белгилайди ва солиқ тўловчиларга турли хизматлар орқали бу маблағларни қайтаради.

Шунингдек, солиқ юки кўрсаткичларидан хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини белгилашда фойдаланилади. Ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва пасайтириш, иқтисодиётни тартибга солиш, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш, янги иш ўринларини яратиш, хўжалик субъектларини истеъмол ва жамғармасини меъёрлаштириш, инвестицияларни йўналтириш каби масалаларни ҳал этишда солиқ юки кўрсаткичи катта ёрдам беради.

Солиқ юкини белгилаш икки йўналишда олиб борилади. Яъни, макро ва микродаражада белгиланади. Макродаражада солиқ юкини иккига бўлишимиз мумкин, яъни, умумий, иқтисодиёт ва аҳоли зиммасига тушадиган солиқ юки.

Илмий изланишларга кўра, солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкини ошириш (солиқ ставкаларини ошириш, солиқ имтиёзларини бекор қилиш) натижасида дастлаб солиқ тушумларини оширади, лекин энг юқори даражага етгач, пасайишга мойиллик сезади. Натижада, бюджетга тушумлар камайиб кетади ва солиқ тўловчиларнинг муайян қисми таназзулга юз тутуди ёки ишлаб чиқариш камайиб кетади, солиқ тўловчиларнинг қолган қисми эса солиқ тўлашдан ноқонуний равишда ўзини олиб қочади. Натижада яширин иқтисодиёт юзага келади.

Солиқ юки ва солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири жуда катта бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариши солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқдир. Солиқ юкининг макроиқтисодий ҳолатга таъсирини солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, иқтисодий барқарорликка таъсири каби масалалар билан баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Иқтисодиётда солиқ юки ҳолати таҳлили**» деб номланган бўлиб, унда макроиқтисодий даражада солиқ юкининг таҳлили, ҳудудлар бўйича солиқ юки тақсимооти динамикаси ва таҳлили, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида солиқ юкининг қиёсий таҳлили тадқиқ қилинган.

Солиқ юки макроиқтисодий даражада давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбати орқали аниқланиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кенг қўлланилади ва амалдаги солиқ юки даражасини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф томонидан макродаражада солиқ юкини ҳисоблашнинг қуйидаги услубиёти таклиф этилган:

$$Сю = (Дбпк * Сйд) / ЯИМ$$

бу ерда: Сю – макродаражадаги солиқ юки;

Дбпк – давлат бюджети прогноз кўрсаткичлари;


Сйд – солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот.

Ушбу келтирилган услубиётнинг аҳамиятли томони шундаки, давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари ҳар доим ҳам тўлиқ бажарилмайди.

Шунингдек, солиқ тўловчиларга берилган имтиёзлар ва давлат бюджетига келиб тушмаган, лекин ҳисобланган солиқлар бўйича қарздорлик суммалари ҳам ҳисобга олинмайди. Шу мақсадда, макродаражадаги солиқ юқини ҳисоблашда давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари ва солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси кўрсаткичидан келиб чиқиб, солиқ юқи кўрсаткичини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Республикадаги мавжуд солиқ юқининг ўзгариш динамикасини 1-расм асосида таҳлил қилинган.



* Бу ерда давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳисобга олинмаган.

1-расм. Ўзбекистон Республикасида солиқ юқининг динамикаси⁸

1-расмга кўра, 2020 йил 1 январ ҳолатига солиқ юқининг ўзгариши республикада солиқ ислохотлари доирасида асосий солиқлар солиқ ставкаларини пасайтириш натижасида солиқ тўловчилар сонининг ошганлиги билан изоҳланади. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тўловчилар сони 2016 йилда 4 958 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 113 477 тани ташкил этган ёки таҳлил қилинаётган даврда 108 519 тага кўпайган. Шунингдек, юридик шахслардан олинadиган ер солиғи солиқ тўловчилар сони 2016 йилда 10 300 тадан 2020 йилда 155 023 тани ташкил этган ёки 144 723 тага кўпайган.

1-жадвал

Алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг ўзгариши⁹

Солиқ турлари	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	Ўсиш суръати (2020 йил 2016 йилга нисбатан)
Қўшилган қиймат солиғи	4 958	5 617	6 796	82 405	113 477	+ 108 519
Фойда солиғи	5 752	6 518	7 609	53 051	113 868	+ 108 116
Айланмадан олинadиган солиқ (ЯСТ)	156 850	161 310	164 465	177 701	321 638	+ 164 788

⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	8 213	8 987	9 261	58 334	58 856	+ 50 643
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	10 300	11 689	12 887	70 046	155 023	+ 144 723
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 936	3 187	3 443	56 024	136 366	+ 133 430
Жами:	189 009	197 308	204 461	497 561	899 228	710 219

1-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар сони 2016 йилда 189 009 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 899 228 тани ташкил этган. Ёки таҳлил қилинаётган даврда солиқ тўловчилар сони 710 219 тага кўпайган.

Тўғри солиқлар ставкаларининг пасайиши солиқ тўловчилар даромадига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатгани учун бу солиқлар ставкалари охириги йилларда бир неча фоизга камайтирилди. Бу ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг даромадларини ошишига ва уларнинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан белгиланган солиқ ва тўловлар миқдори 19 тадан 15 тага туширилди. Солиқ тўловчиларнинг даромадларига бевосита таъсир кўрсатувчи юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкаси 12 фоиз, дивиденд солиғи 5 фоиз, мол-мулк солиғи 2 фоиз, ягона солиқ тўлови 4 фоиз қилиб белгиланди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг ягона 12 фоиз қилиб белгиланиши реал даромадларга ижобий таъсир этди. Натижада иш ҳақи миқдори ўртача 6,5 фоизга ошди ва иш ҳақи фондига солиқ юки камайтирилди.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳудудларнинг солиқ салоҳияти ва солиқ юки ўзаро алоқадор. Солиқ юкини ҳудудлар бўйича тақсимотини ўрганиш - ҳудудларни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, инвестицияларни йўналтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Муаллиф фикрича, ҳудудларда солиқ юки ҳудудлардан ундирилаётган солиқ ва тўловлар суммасини ушбу ҳудуд ялпи ҳудудий маҳсулотига нисбати орқали орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$X_{\text{с}} = X_{\text{ст}} / Y_{\text{ХМ}}$$

бу ерда: $X_{\text{с}}$ – ҳудуднинг солиқ юки кўрсаткичи;


$X_{\text{ст}}$ – ҳудуддан ундирилаётган солиқ ва тўловлар;

$Y_{\text{ХМ}}$ – ялпи ҳудудий маҳсулот.

Мазкур формула орқали ҳудудларда солиқ юки амалдаги ҳолати 2-расмда келтирилган.

2-расмга кўра, асосий солиқ юки 5-6 вилоятга юқори, бошқа вилоятларда солиқ юкининг жуда паст даражада эканлигини кўриш мумкин. Солиқ юки Тошкент шаҳрида 2018 йилда 9,74 фоизни, 2020 йилга келиб 13,2 фоизни

ташкил этган ёки 3,43 фоизли пунктга кўпайган. Солиқ юкининг паст даражаси Навоий вилоятида кузатилмоқда. Чунки, 2018 йилда бу вилоятда солиқ юки 2,79 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 2,12 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, 2020 йилда солиқ юкининг нисбатан паст даражаси Андижонда - 5,61 фоизни ташкил этган.



2-расм. Ҳудудлар бўйича солиқ юки динамикаси, фоизда¹⁰

Ҳудудларда йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобга олинмаганлиги сабабли ҳудудларда солиқ юки даражасини паст чиққан. 2019 йилда энг яхши 20 та йирик солиқ тўловчилар давлат бюджети маблағининг 37,5 фоизини таъминлаб берган. Жами солиқ тушумларининг 63,3 фоизини шакллантирган 10 та йирик солиқ тўловчи корхоналардан “Навоий кон-металлургия комбинати” ДУК ушбу тушумларнинг 50,0 фоизини, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” ДУК 20,0 фоизини, “Ўзтрансгаз” АЖ 8,0 фоизини, “Ўзбекнефтгаз” АЖ 7,0 фоизини шакллантириб берган. Жорий йилда бу каби йирик солиқ тўловчилар сони 1120 тага етган¹¹.

Иқтисодиёт тармоқларида солиқ юкининг ҳисоблаш тармоқлар тенденциясини, ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш, суст ривожланаётган соҳаларни солиқлар воситасида рағбатлантириш орқали ўсиш йўлига ўтишини таъминлашда муҳим саналади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Иқтисодиёт тармоқларида солиқ юки¹²
(ялпи қўшилган қийматга нисбатан, фоизда)

т/р	Фаолият тури номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8,7	8,8	8,9	4,1	2,9
2	Саноат	31,2	32,5	30,1	24,6	38,0
3	Қурилиш	24,3	22,8	19,4	15,4	9,3
4	Хизматлар	45,5	46,8	47,6	44,3	41,3
5	Савдо яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	24,8	22,9	21,8	23,7	19,1
6	Ташиш ва сақлаш	23,2	22,4	21,1	16,5	17,6
7	Ахборот ва алоқа	37,9	36,4	38,4	37,7	33,8
8	Бошқа турдаги иқтисодий фаолиятлари	16,1	15,9	15,5	13,7	11,8

Муаллиф фикрича, иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий субъектлар учун солиқ юки солиққа тортиш режимлари ўртасида бир-бирдан анча фарқ қилади. Шунингдек, иқтисодиётда солиқ юкини таҳлил қилишда макродаражадаги солиқ юки даражаси мамлакатда фаолият юритаётган алоҳида иқтисодий субъектларниқидан фарқ қилади. Яъни, тармоқлар ва соҳалар бўйича, алоҳида олинган юридик шахслар бўйича бир-бирдан фарқ қилувчи натижаларга эришиш мумкин. Бу умумий иқтисодиётдаги солиқ юки давлат бюджетига тўланган солиқлар ва бошқа тўловларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши билан белгиланса, тармоқлар ва соҳалар бўйича ялпи қўшилган қийматга нисбатан улушини белгилаб беради. Шу ўринда, макродаражадаги ўртача кўрсаткичдан мезодаражадаги кўрсаткич юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, солиқ юкининг энг юқори даражаси хизматлар кўрсатиш соҳаси (ўртача 40,0 фоиз) ҳамда ахборот ва алоқа тармоғи (ўртача 34,0 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни, ушбу тармоқлар томонидан тўланган солиқ ва тўловларнинг ялпи қўшилган қийматдаги улуши бошқа тармоқларга нисбатан юқори. Шунингдек, солиқ юкининг энг паст даражаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғига (ўртача 3,0 фоиз) тўғри келган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Солиқ тўловчиларнинг амалдаги солиқ юки ҳолати таҳлили**» деб номланган бўлиб, юридик шахслар

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

зиммасидаги солиқ юкининг амалдаги ҳолати таҳлили ва солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш, жисмоний шахслар солиқ юкининг амалдаги ҳолати ва ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш, соддалаштирилган солиқ тўловчи корхоналарда солиқ юкининг амалий ҳолати таҳлили каби масалалар ёритилган.

Солиқ тизимини самарали ташкил этиш ва унинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтириш корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу боис, солиқ тизимининг содда ва аниқлиги солиқ тўловчиларнинг мажбуриятини вақтида ва тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, юридик шахсларда солиқ юкини ҳисоблаш масаласи хорижий адабиётларда ва айрим маҳаллий илмий ишларда ёритишга ҳаракат қилинган. Лекин юридик шахслар зиммасидаги солиқ юкини ҳисоблаш ва аниқлаш борасида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Муаллиф фикрича, юридик шахсларнинг солиқ юкини ҳисоблаш юридик шахсларнинг солиқ юкини ҳисоблашда уларнинг барча тўлайдиган солиқ ва тўловларининг йиғиндисини янгидан яратилган қийматга нисбати орқали аниқлаш лозим. Юридик шахсларнинг солиқ юкини ҳисоблашда соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бу ерда соф солиқ юки юридик шахснинг тўлайдиган барча солиқлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини юкини ифодалаб берса, умумий солиқ юки эса юридик шахсларнинг солиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини ҳамда ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва ажратмалар юкини ифодалаб беради. Хусусан:

а) Юридик шахсларнинг соф солиқ юки:

$$C_{\text{сю}} = X_{\text{тбс}}/K_{\text{к}}$$

бу ерда: $C_{\text{сю}}$ – юридик шахснинг соф солиқ юки;

$X_{\text{тбс}}$ – юридик шахс тўлайдиган барча солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар;

$K_{\text{к}}$ – юридик шахснинг янгидан яратган қиймати ёки қўшилган қиймат.

б) Юридик шахсининг умумий солиқ юки:

$$U_{\text{сю}} = (X_{\text{тбс}} + I_{\text{сб}})/K_{\text{к}}$$

бу ерда: $U_{\text{сю}}$ – юридик шахснинг умумий солиқ юки;

$X_{\text{тбс}}$ – юридик шахс тўлайдиган барча солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар;

$I_{\text{сб}}$ – ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқ ва ажратмалар;

$K_{\text{к}}$ – юридик шахснинг янгидан яратган қиймати ёки қўшилган қиймат.

Юқоридаги формулалар юридик шахсларнинг соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблашда асос бўлади. Хусусан, “Labi hovuz baraka” МЧЖ молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинди, унда соф солиқ юки юридик

шахснинг бюджетга ва бюджетан ташқари фондларга тўловларни унинг кўшилган қийматига нисбати 21,0 фоизни ташкил этган.

3-жадвал

"Labi hovuz baraka" МЧЖнинг солиқ юки кўрсаткичлари таҳлили¹³

№	Кўрсаткичлар	2018 й.	2020 й.	Йиллар бўйича фарк, пункт (-;+)
1.	Соф солиқ юки	21,0	20,4	-0,6
2.	Умумий солиқ юки	30,4	26,7	-3,7
3.	Соф солиқ юки ва умумий солиқ юки ўртасидаги фарк (-;+);(2-1)	9,4	6,3	-3,1

2020 йилга келиб бу кўрсаткич 20,4 фоизни ташкил этган ёки олдинги йилга нисбатан 0,6 пунктга камайган. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, 2018 йилда ушбу юридик шахс соддалаштирилган тартибда солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширган бўлса, 2020 йилда умумбелгиланган солиққа тортиш тартибига ўтган. Бу корхонада сезиларли даражада солиқ юкини пасайишига олиб келган. 2018 йилда "Labi hovuz baraka" МЧЖда умумий солиқ юки яъни, корхона бевосита ўзи тўлайдиган солиқлар ва ажратмалар ҳамда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва иш ҳақи фондидан ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда корхонадаги солиқ юки 30,4 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2020 йилга келиб, 26,7 фоизни ташкил этган ёки таҳлил қилинаётган даврда 3,7 пунктга камайган. Солиқ юкининг бундай пасайишига биринчидан ушбу юридик шахс таҳлил қилинаётган даврда солиқ тўлашнинг умумий тартибидан махсус солиққа тортиш режимига ўтган бўлса, иккинчидан, ҳукумат томонидан юридик шахсларнинг солиқ юкини пасайтириш сиёсати ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Солиқ юкининг пасайиши корхонанинг молиявий фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Яъни, корхонанинг пул маблағлари тежалиши билан биргаликда тушум рентабеллиги ҳам ошиб борган. Таҳлил қилаётган даврда корхонанинг умумий солиқ юки 26,7 фоиздан 20,4 фоизгача камайганлигини кўрдик. Шунга тескари равишда корхонанинг тушум рентабеллигини 11 фоиздан 20,2 фоизгача ошган. Корхонада умумий солиқ юкининг олдинги йилга нисбатан 12,0 фоизга камайиши рентабеллик даражасини қарийб 2 баробарга оширган.

Мамлакат солиқ амалиётида юридик шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичи юридик шахсларнинг солиқлар ва тўловларини маҳсулот сотишдан тушган тушумга нисбати орқали ҳисобланади. Тадқиқотда тақлиф қилаётган усул ва ҳозирда солиққа тортиш амалиётида қўлланилаётган усул ўртасидаги фарқни "Labi hovuz baraka" МЧЖ мисолида кўриб чиқилган.

¹³ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

4-жадвал

Юридик шахслар солиқ юкини ҳисоблаш бўйича қиёсий таҳлили¹⁴

№	Кўрсаткичлар	Амалиётда қўлланилаётган усул бўйича		Таклиф қилинаётган усул бўйича		Усуллар ўртасидаги фарқ, пункт, (+;-)	
		2018 йил	2020 йил	2018 йил	2020 йил	2018 йил	2020 йил
1.	Соф солиқ юки	10,0	10,3	21,0	20,4	11,0	10,1
2.	Умумий солиқ юки	14,5	23,8	30,4	26,7	15,9	2,9

4-жадвалга кўра, мамлакатда солиқ юкини ҳисоблаш усули бўйича юридик шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичи таклиф этилаётган усулда ҳисобланган солиқ юки кўрсаткичидан анча паст даражада эканлиги кўринади.

Муаллиф таклиф этаётган усул юридик шахснинг тўлайдиган барча солиқ ва тўловларнинг манбаи қўшилган қиймат ҳисобланади. Солиқ юкини қўшилган қийматга нисбатан ҳисоблаш харажатларни чегириш имконини тақдим этади.

Диссертация ишида жисмоний шахсларда солиқ юкини ҳисоблаш услубиёти тадқиқ қилинган.

5-жадвал

Жисмоний шахс солиқ юкини ҳисоблаш услубиёти¹⁵

№	Кўрсаткичлар	Бирлиги	Белги
1.	Жисмоний шахслар томонидан бевосита тўланадиган солиқлар ва тўловлар	сўм	A
2.	Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган билвосита солиқлар (эгри солиқлар ва маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар)	сўм	B
3.	Жисмоний шахслар зиммасидаги жами солиқ суммаси (1 қатор + 2 қатор)	сўм	A+B
4.	Аҳолининг ўртача йиллик сони	киши	C
5.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик солиқ суммаси (3 қатор / 4 қатор)	сўм	$D = (A+B) / C$
6.	Аҳолининг ўртача йиллик даромадлари	сўм	E
7.	Жисмоний шахс зиммасидаги ўртача солиқ юки даражаси (5 қатор / 6 қатор)	фоиз	$S = (D / E) * 100\%$

Жисмоний шахсларда солиқ юки улар томонидан тўланадиган солиқларнинг олган даромадларига нисбати орқали аниқланиши лозим. Жисмоний шахсларда солиқ юкини ҳисоблаш мураккаблиги улар томонидан тўланган солиқ ва йиғимларни аниқлаш қийин кечади. Шу нуқтаи назардан ушбу масалани ечишда эгри солиқларни ҳам ҳисобга олиб ёндашиш лозим.

Республикада янги солиқ концепцияси корхоналар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Корхона тўлаётган солиқ суммасининг камайиши билан бир

¹⁴ Муаллиф ҳисоб-китоби.

¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

қаторда солиқ юки даражаси ҳам 2,4 фоизли пунктга камайган. Мазкур ҳолат б-жадвал асосида таҳлил қилиниб, илмий хулосалар чиқарилган.

б-жадвал

Янги солиқ концепциясининг корхоналар солиқ юкига таъсири¹⁶

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов турлари	«Kamolot prestij» МЧЖ		фарқи	«Shirin lazzat gril» МЧЖ		фарқи
		2018 й.	2020 й.		2018 й.	2020 й.	
		млн.сўм			млн.сўм		
1.	Фойда солиғи	-	-		0,0	15,9	15,9
2.	ҚҚС	-	-		0,0	97,1	129,4
3.	Айланмадан олинадиган солиқ	24,2	19,3	-4,8	147,1	0,0	-147,1
4.	Ягона ижтимоий тўлов	6,3	5,1	-1,3	26,4	21,1	-5,3
5.	Суғурта бадали	3,4	0,0	-3,4	14,1	0,0	-14,1
6.	Даромад солиғи	2,1	5,1	3,0	6,0	21,1	15,1
7.	Мол-мулк солиғи	0,0	0,6	0,6	0,0	1,8	1,8
8.	Ер солиғи	0,0	0,3	0,3	0,0	2,7	2,7
9.	Сув солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Жами	36,0	30,3	-5,7	193,6	159,7	-33,9
	Солиқ юки, фоизда	14,9	12,5	-2,4	13,2	11,1	-2,1

б-жадвалда келтирилган «Shirin lazzat gril» МЧЖ товар айланмаси 1 млрд.сўмдан ортиқ, ягона солиқ тўловчи бўлган ва янги солиқ концепцияси асосида умумбелгиланган тартибда солиқларни тўлашга ўтган. Таҳлил қилинаётган даврда солиққа тортиш базалари ўзгармаган ҳолда, қўшимча солиқ турларининг вужудга келиши ва солиқ ставкаларини ўзгариши корхона томонидан тўланаётган солиқлар суммасини камайтирган. Яъни, корхона 2018 йилда давлат бюджетига 193,6 млн.сўм солиқлар ва бошқа тўловларни амалга оширган бўлса, 2020 йилда 159,7 млн.сўм тўловларни амалга оширган ёки 33,9 млн.сўм тежаб қолинган.

Таҳлил қилинаётган даврда корхона солиқ юки даражаси ҳам 2,1 фоизли пунктга камайиши янги солиқ концепцияси солиққа тортиш базалари ўзгармаган ҳолда, солиқ ставкалари, солиқ турлари ва солиқ объектларини ҳисобига юз берган.


